

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 28-NOYABR, PAYSHANBA, 143 (8224)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИ БОШ ВАЗИРИ ЛИ КЭЦЯННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян 2013 йил 28 ноябрда расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади.

Ташриф дастурида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашув кўзда тутилган.

Шунингдек, ҳукуматлараро музокара-лар ўтказиш, турли соҳаларда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ҲУКУМАТ РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ҲАҚИДА

Тошкент шаҳрида 2013 йил 29 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтади.

Унда Қозоғистон Республикаси Бош вазири С.Аҳметов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Ж.Сотиболдиев, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Д.Медведев, Тожикистон Республикаси Бош вазири К.Расулзода, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, ШХТ Бош котиби Д.Мезенцев, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэн, ШХТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви ва ШХТ Банклараро бирлашмаси кенгаши раислари иштирок этадилар.

Мажлисда ШХТга кузатувчи давлатлар вакиллари – Афғонистон Ислом Республикаси иккинчи вице-президенти М.Ҳалилий, Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари С.Сингх, Эрон Ислом Республикаси саноат, қонлар ва савдо вазири М.Неъматзода, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари Д.Тэрбишдагва, Покистон Ислом Республикаси Бош вазирининг миллий хавфсизлик ва ташқи ишлар бўйича маслаҳатчиси С.Азиз, шунингдек, ҳамкор халқаро ташкилотлар вакиллари – БМТ Бош котиби ўринбосари – БМТ ЭСКАТО ижрочи котиби Н.Хейзер, АСЕАН Бош котиби ўринбосари Нянь Линь, МДХ Ижроия қўмитаси раиси – ижрочи котиби С.Лебедев қатнашади.

Мажлисда ШХТга аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгаши ва Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларига оид қарорлари ижросининг бориши, шунингдек, ШХТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси фаолиятига оид маърузалар тингланishi режалаштирилмоқда.

Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси доирасида Қўшма баёнот ва қатор бошқа ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги
Матбуот хизмати



Муқимжон Қодиров (ЎзА) олган сурат.

Конституция – бахтимиз қомуси

Конституция – том маънода, аввало, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликларини кафолатловчи, шунингдек, ижтимоий тўзум, бошқарув шакли, давлат тузилиши, ҳокимият марказий ҳамда маҳаллий органларини ташкил этиш асосларини, уларнинг ваколатлари ва ўзаро муносабатларини белгилайдиган қонун ҳужжати, ҳужжатлар ёки конституциявий одатлар мажмуи. Конституция мамлакат қонунчилигида биринчи ўринда туради, миллий ҳуқуқ тизимининг асосларини белгилаб беради.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш асосий мақсад қилиб олинган экан, Президентимиз айтганидек, "Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим". Айнан мазкур масалаларнинг ечими бевосита Конституциянинг қабул қилиниши билан боғлиқ эди. Шу боис ҳам собиқ

иттифоқ республикалари орасида биринчилардан бўлиб, 1990 йилнинг июнида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида янги Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун 64 кишидан иборат Конституциявий комиссия тузилди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди ва "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинди. Унда белгиланган қоидалар амалиётда бир ярим йил

мобайнида синондан ўтди, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасига киритилди.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш борасидаги барча ишлар Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди. Республикаимизнинг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятини муносиб равишда акс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон таърибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий қонунчилиги эришган ютуқларни инобатга оладиган асосий қонун лойиҳасини тайёрлаш Конституциявий комиссиянинг устувор вазифаси этиб белгиланди. Лойиҳани тайёрлаш чоғида Европа, Осиё, Америка мамлакатларининг конституциялари ўрганиб чиқилди. У инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатларни инобатга олган ҳолда тайёрланди.

(Давоми 3-саҳифада)

«ОБУНА — 2014»



ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда кенг кўламда олиб борилаётган ислохотлардан, халқимизнинг бой маънавий мероси, анъаналари ва қадриятларини тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан изчил хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми?

Аграр соҳадаги қимматли тажрибалар, фидойи инсонларнинг ажойиб меҳнат муваффақиятлари, фан-техника, спорт ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ҳақида билишни истайсизми?

Сизни хориж деҳқончилигидаги ўзгаришлар қизиқтирадими?

2014 йил учун "Qishloq hayoti" газетасига обуна бўлсангиз, юқорида таъкидланган мавзулар билан доимий равишда танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Обуна газета таҳририяти, обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144

МУҲИМ ТАРМОҚЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг «UzAgroExpo – 2013» ҳамда озиқ-овқат саноати ва озиқ-овқат маҳсулотларининг «UzProdExpo – 2013» IX халқаро ихтисослаштирилган кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмалари ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмаларда Хитой, Германия, Ҳиндистон, Италия, Франция, Польша, Литва, Россия, Беларусь, Украина каби давлатлардан кўплаб компания ва фирмалар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти йил сайин юксалиб, халқимиз фаровонлиги ошиб бораётганида қишлоқ хўжалигининг салмоғи катта. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида аграр соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг юсак самаралари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш, соҳага замонавий технологияларни жорий этишда яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги корхоналар қуриш, тавжудларини эса реконструкция ва модернизация қилиш мақсадида кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

«UzAgroExpo – 2013» кўргазмасида айнан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган ихчам ускуналар билан бирга боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачиликда қўлланиладиган замонавий техника ҳамда тежамкор технологиялар кенг намоёниш этилмоқда. Бундан ташқари, кўргазмада иссиқхона хўжаликларига етиштирилаётган мева-сабзавотларни саралаш ва қадоқлаш ускуналарининг намоёнишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Фермер хўжаликларини зарур техника

билан таъминлашга қаратилаётган доимий эътибор натижасида бугунги қишлоқ мулкдорлари замонавий техникага эгалик қилмоқда. Фермер хўжаликларини ва машина-трактор паркларига янги техника воситаларини лизинг шартлари асосида етказиб бериш кўлами йил сайин кенгаймоқда. Мазкур жараёнда қатор имтиёزلарнинг яратилгани эса қишлоқ мулкдорларига катта мадад бўляпти.

«UzAgroExpo – 2013» кўргазмасининг комбайнлар ва терим тракторлари, шунингдек, тиркамалар, ўғит пуркагичлар, ерга

ишлов бериш ҳамда ем-хашак тайёрлаш ускуналарига оид бўлимлари одатдагидек фермерларимизнинг диққат марказида.

– Биз мазкур кўргазмада замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини тақдим этаймиз, – дейди «Агромашхолдинг – Тошкент» МЧЖнинг маркетинг ва савдо бўйича директори Юлия Бахмач. – «Агромаш» бренди инновация технологиялари ҳар бир жабҳада жадал суръатларда жорий этилаётган ҳозирги давр билан ҳамнафасдир. Ушбу бренд остида келгуси ойдан фермер хўжаликларини ва машина-трактор паркларига метан гази ёқилғисида ишловчи тракторларни таклиф этмоқчимиз. Тўққизинчи мартаба ўтказилаётган кўргазма эса бу борадаги йўналишимизни аниқ белгилаб олишда алоҳида аҳамият касб этади.

– Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси ҳаётини янада яхшилаш ва фаровонлигини оширишга йилдан-йилга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Украинанинг «Обрий» агрофирмаси вакили Наталия Мормуль. – Агрофирмамиз 2002 йилдан буён Ўзбекистон бозорида фаолият юритмоқда. Насли чорва молларини кўпайтириш, гўшт ва сўт маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш фаолиятимизнинг асосий йўналишларини қамраб олади. Ўтган йиллар давомида Хоразм, Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларидаги ҳамкорларимизга 10 минг бош насли чорва моли етказиб бердик. Мазкур кўргазмада қатнашиб, ҳамкорларимиз сафини янада кенгайтирмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида мамлакатимизда озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан салкам 5,8 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,6 фоизга кўпдир. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида эса 313,6 миллион АҚШ доллари қийматида озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинган.

«UzProdExpo – 2013» кўргазмасида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларнинг замонавий технология ва ишланмалари – дўкон ва супермаркетлар учун автоматлаштирилган тизимлар, мева ва сабзавотни сақлаш қурилмалари, саралаш ва қадоқлаш ускуналари, музлаткич камералари тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўргазманинг «Жиҳозлар уйи» бўлимида савдо марказлари, дўконлар, ресторан, бар, ошхона, меҳмонхона, новвойхона, корхоналар учун асбоб-ускуналар намоёниш этилмоқда.

«UzAgroExpo – 2013» ва «UzProdExpo – 2013» кўргазмалари қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатининг янада ривожланишига, экспорт имкониятларининг кенгайишига хизмат қилиши билан аҳамият-лидир.

Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.



Асқар ЕҲУБОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Фарғона Вилояти

ХАЛҚАРО ХАМКОРЛИК

Кўқон шаҳрида инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган халқаро бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда Франция, Швейцария, Беларусь, Индонезия, Россия, Сингапур каби ўндан зиёд давлатлардан соҳа вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди.

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ



Президентимиз раҳнамолигида хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилаётган катта эътибор чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур анжуманда инвестициявий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Фарғона вилояти, хусусан, Кўқон шаҳрининг иқтисодий ривожланиш тенденциялари акс эттирилган тақдиротлар ўтказилди.

– Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқларини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга ва бу ерда хорижий ишбилармонлар учун қулай инвестициявий муҳит яратилган, – дейди сингапурлик тадбиркор Делепак Рена. – Айниқса, тўққизинчи йилнинг бошидан бери давлатларнинг қўллаб-қувватлаётган маҳсулотлар дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қилинмоқда. Келгуси янада истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Анжуманда сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма корхоналар сони, маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш, биргаликда истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Ш.Фаниев сўзга чиқди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Конституция – бахтимиз қомуси

(Боши 1-саҳифада)

Бевосита Президентимиз раҳбарлигида Конституция лойиҳаси аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги, давлатнинг маданий ёдгорликлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги моддалар билан тўлдирилди, асосий эътибор Конституциянинг инсон ва фуқаролар эркинликлари ҳамда бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларга қаратилди.

1992 йил 8 сентябрда Конституциявий комиссия бажарилган ишни маъқуллади ва Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилди. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳи тузилди. Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун 1992 йил 26 сентябрда ҳамда 21 ноябрда матбуотда

эълон қилинди.

Биринчи мартаба Конституция лойиҳаси эълон қилинган, Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 га яқин хат келиб тушди. Республика матбуотининг ўзида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ материаллар эълон қилинди. Келиб тушган таклифларнинг сони 5 мингдан ошиб кетди. Конституция лойиҳаси келиб тушган таклифларни инobatга олган ҳолда қайта ишланди ва иккинчи бор муҳокамани давом эттириш учун матбуотда эълон қилинди.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш, бой материаллар тўплаш имконини берди. Ушбу материаллар чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси

шаклида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11-сессияси муҳокамасига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий юридик кучга эга ҳуқуқий ҳужжатдир. Унинг қабул қилиниши ҳуқуқий тикланиш ва тараққиёт сари қадам бўлди. Мустақиллик Конституцияси давлатимиз мустақиллигининг улкан рамзи бўлиб, у мамлакатимизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлини ўзида яққол намоён этганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Уни келгуси авлод эркинлик, мустақиллик, озодлик ҳамда ҳурлик тантанаси сифатида тарихда эъзоз-ҳурмат билан тилга олади.

Аброр ИБРАГИМОВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси
Ташкилий назорат ва таҳлил шуъбаси
етакчи маслаҳатчиси.

МАСЪУЛИЯТ ВА ҲУШЁРЛИК БИЛАН

Соҳа ходимлари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб қилиш, ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда, ўқув юртларида, жамоат жойларида қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Аммо шунга қарамай ёнғинларнинг таҳлилига кўра, уларнинг асосий қисми аҳоли турар-жойларига тўғри келаётир.

Буни мисолларда янада аниқроқ кўра-миз. Яқинда Фарғона шаҳри Искандарова кўчасида жойлашган уйларнинг бирида ёнғин содир бўлди. Электр симларининг қисқа туташувидан юзага келган аланга 90 кв.метр уйнинг том қисмини ва уй жиҳозларининг ёниб кетишига олиб келди.

Тошкент вилояти Зангиота тумани А.Темур кўчасидаги уйлардан бирида оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш

оқибатида 165 кв.метр уйнинг том қисми, уй жиҳозлари ва ёрдамчи хоналар ҳамда ҳовлидаги “BMW” русумли автомобиль, бундан ташқари, қўшни хонадоннинг ҳам 80 кв.метр майдондаги уйнинг томи ҳамда уй жиҳозлари ёнган.

Фарғона шаҳар Бозор йўли ва Деҳқон кўчалари оралиғида жойлашган “Марказий деҳқон бозори” ОАЖ ҳудудидаги озиқ-овқат дўконида электр симларининг қисқа

туташувидан юзага келган ёнғин қўшни дўконга ҳам ўтиб кетган. Ва озиқ-овқат дўконининг ички қисми ва қандолат маҳсулотлари ёнган.

Бепарволик оқибатида келиб чиққан бундай ёнғинлар кўп машаққатлар билан бунёд этилган уй-жойлар, йиллаб тўпланган молу мулкнинг бир зумда ёниб кетишига олиб келмоқда. Бундан бир хулосага келиш мумкин: ёнғин хавфсизлигини таъминлаш фақатгина соҳа ходимларининг вазифаси эмас, балки барчанинг бурчидир.

Равшан АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХБ
бош мутахассиси, подполковник.

Озодалиқда ҳикмат кўп. Тоза, саришта хонадонда барака бўлади. Халқимизнинг “Сариштали уй – фариштали уй” мақолида катта маъно мужассам. Айни пайтда хонадон кўчаларни обод этишда уларнинг тозаллигига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунда хазонлардан тозалаш муҳим аҳамият касб этади.

ОГОҲЛИК ҲАМ ОБОДЛИК ОМИЛИ

Аммо шунинг унутмаслик керакки, огоҳлик ҳам ободлик омилдир. Яъни хазонларни тўплаш, уни маълум жойларга элтиб ташлаш зарур. Энг муҳими, унинг ёниб кетишидан жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Хазонлардан осонгина “кутулиш” йўли танланаётгани, яъни ёқиб юборилиши натижасида катта ёнғинлар келиб чиқаётганини кузатяпмиз. Бу каби ҳолатлар нафақат инсонларга жисмоний ва моддий зарар етказди, балки атмосферани ҳам ифлослантиради. Чунки ёқиб юборилган хазонлар ёки чиқиндиларнинг узок мuddат атрофга бадбўй ҳид таратиб туриши натижасида ҳавода заҳарли, аччиқ тунлар пайдо бўлиб, бу инсонлар соғлиғига жиддий хавф туғдиради.

Демакки, доимо огоҳ бўлишимиз, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз зарур.

С.ДЖУМАНОВ,
Миробод тумани ИИБ
ЁХБ инспектори,
сержант.

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ҚИЗГИН

Туманимизда ҳам «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасида турар-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш иншоотларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳушёрлигини оширишга қаратилган маърифий тарғибот ишлари кучайтирилмоқда.



Уларда маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона ва ташкилотлар, муассасалар вакиллари иштирок этмоқда. Тадбирларда ёнғиннинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, корхона ва ташкилот, ўқув юртлари раҳбарлари зиммасидаги масъулият, ҳар бир фуқаронинг ўзи ва атрофдагилар хавфсизлигини сақлашдаги бурчи ҳақида сўз юритилипти.

Мутахассислар корхоналарда, ўқув муассасалари ва хонадонларда бўлишиб, ёнғин хавфсизлиги, газ, электр энергияси, иситиш ускуналари билан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш борасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Натижада ёнғин рўй бериш ҳоллари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада камайди. Бунда ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам яхши самара бермоқда.

А.ДЖАЛОЛОВ,
Мирзо Улугбек тумани
ИИБ ЁХБ инспектори,
кичик сержант.



ИЗЧИЛ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида Норин туманида ҳам аҳолининг ҳушёрлигини ошириш, турар-жой ва иқтисодиёт тармоқлари иншоотларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Аҳоли яшаш жойлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотларда оммавий тарғибот ишлари олиб борилмоқда, — дейди туман ички ишлар бўлими Ёнғин хавфсизлиги бўлимаси бошлиғи Тоҳиржон Йўлчиев. — Жумладан, туманимиздаги 748 та халқ ҳўжалиги масканларидаги ёнғин хавфсизлиги ҳолатлари текшириб чиқилди. Текширув жараёнларида аниқланган камчилик ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан тегишли ташкилот ва идора-

ларга 152 та ёзма ахборот, тақдимотномалар киритилди. Олиб борилган текширувлар давомида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган 392 нафар фуқаро ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, 6 миллион сўмдан ортиқ миқдорда маъмурий жарималар солинди. Бундан ташқари, ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган 129 та корхона ва ташкилот цехлари фаолияти вақтинча тўхталиб қўйилди. Носоз бўлган 535 та электр участкаси ва аг-

регатлари муҳрланди.

Айни пайтда туман ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлар ҳамда хонадонларда ёнғин хавфсизлиги ҳолатлари доимий равишда назорат остига олиниб, хонадон эгаларига тавсияномалар берилган.

— Туман миқёсида ўтказиб келинаётган ҳар қандай байрам ва оммавий тадбирларни тинч ва осойишта ўтказиш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, — дейди бўлимнинг тарғибот гуруҳи инспектори кичик сержант Зоҳиджон Усмонов. — Айни кунларда туманимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган ўқув даргоҳларида тушунтириш ишлари олиб бормоқдамиз.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.
Аҳмад ҲАМДАМ олган сурат.

АВТОМОБИЛНИ ЁНҒИНДАН САҚЛАНГ!

Юртимиз кўчаларига боқсангиз, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги машиналарни кўриб, ҳавасингиз келади. Кун сайин кўпайиб бораётган бу машиналарга гоҳо кўчалар торлик қилиб қолаётганга ўхшайди. Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик ва фаровонлик белгиси, тараққиёт нишонаси.

Албатта, машина улов, қулайлик воситаси. Аммо унутмаслик керакки, у техника. Шу боис, уни эҳтиёт қилиш, техник қаровини мунтазам олиб бориш, энг муҳими, уни бошқариш жараёнида доимо ҳушёр бўлиш зарур. Машинанинг техник кўрик мuddати анча ўтган бўлса ёки назоратсиз турли қўшимча мосламалар ўрнатилса, унинг электр тизимлари қизиқ кетиши натижасида қисқа туташув содир бўлиб, кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши муқаррар.

Мана масалан, Бойсун тумани Сайроб маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Култўраевнинг микроавтобуси ўт олдиригичда юзага келган қисқа туташувдан чиққан ёнғин тўфайли аланга олди. Тезлик билан кўрилган чораларга қарамай машинанинг салон қисми ҳамда ўриндиқлари ёниб кетди.

Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри Омонбой кўчасида ҳаракатланаётган “Газ-24” ва “Ласетти” русумли автомобиллар тўқнашиши оқибатида ёнғин содир бўлган. Натижада “Ласетти” автомобилнинг салон ва орқа қисми ёнган.

Каттақўрғон туманидан ўтган Самар-

қанд-Каттақўрғон йўлининг 59-километрида ҳаракатланиб келаётган “Дамас” русумли автомобилнинг мотор ва салон қисми ёнган. Ёнғин сабаблари ўрганилганда, у автоулов электр симларининг қисқа туташувидан содир бўлгани аниқланди.

Маълумки, машинани ҳаракатлантирувчи асосий восита – ёнилғидир. У эса салгина бепарволик оқибатида дарҳол ёниб кетиши мумкин. Шу боис, ҳайдовчига қўйиладиган талаблардан бири – автоуловда доимо ўт ўчириш воситалари бўлиши шартдир. Бунга риоя қилмаслик нафақат йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш, балки ўзи ва мулкнинг қадрига етмаслик ҳамдир.

Оддий мисол, Фарғона шаҳри Қадрдон кўчасида тўхтаб турган “Матиз” машинаси тўсатдан ёниб кетган. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари етиб келгунга қадар олов машинанинг салон қисмига жиддий зарар етказишга улгурганди. Содир бўлаётган ёнғинни ҳайдовчининг ўзи ҳам ўчириши мумкин эдию, аммо автоуловдаги ёнғин ўчиригич носозлиги са-



бабли кутишдан бошқа чораси қолмаганди-да.

Олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишларига қарамай бу каби ҳолатлар учраб турибди. Келинг, буни таҳлилларда кўриб чиқамиз. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида республикамизда автомашиналарнинг у ёки бу техник носозликлари оқибатида юзага келган ёнғинлар сони 151 тани ташкил этган. Ундан кўрилган моддий зарар 409 миллион сўмдан ортиқ. Энг ачинарлиси, ушбу ёнғинларда 15 нафар инсон турли даражада тан-жароҳати олган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, ҳар бир ҳайдовчи автомашинасини маҳсус кўриқдан ўтказиб, электр ва ёнилғи тизимларини ўрнатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилса, машиналарда ёнғин ўчиригичлар олиб юриб, уларни ишлатиш қоидадини мукамал билса, бундай ҳолатларнинг олди олинган, сони кескин камайган бўлар эди.

Умидхўжа АКРАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ЁХБ муҳандиси, майор.

